# САЙЛОВГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

15 кишидан иборат ушбу комиссия таркибига асосан жамоат ташкилотлари, жумладан «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси раислари киритилди. Комиссия аъзолигига шаҳар Кенгаши депутатлари ҳам тавсия этилди.

Шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси зиммасига сайловларнинг амалдаги қонунчиликка тўлиқ риоя этилган, очиқ ва ошкора — демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтказилиши, аҳоли орасида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир, хусусан маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда ва шубҳасиз, фуқаролар ҳуқуқи ва манфаатини таъминлашда ўрни тобора ошиб бораётгани юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш  каби вазифалар юклатилаётир.

Ўз навбатида, комиссия аҳолининг ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирда фаоллигини  оширишга эришиши, бу борада оқсоқолликка муносиб номзодларни — ҳаётий тажрибага эга, атрофда бўлаётган жараёнлардан яхши воқиф ҳамда уларни реал талқин эта оладиган шахсларни танлашда ҳар бир сайловчининг фикрини ўрганишга эътиборни қаратиши лозим. Жойларда тегишли ишларни амалга ошириш пайтида комиссия шунингдек, фуқаролар томонидан кўтарилаётган долзарб масалаларни аниқлаб, уларни мажмуавий тарзда ҳал этиш борасида алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак.

Шаҳар комиссияси ҳар бир туманда ташкил этиладиган тегишли комиссиялар ҳамда маҳаллалар таркибида тузиладиган ишчи гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Тошкент шаҳрида туман кенгашлари бўлмагани боис шаҳар Кенгаши сессиясида тегишли туман комиссиялари таркиби ҳам тасдиқлаб олинди. Улар 9-11 кишидан иборат бўлиб, раис ва аъзоликка асосан жамоат ташкилотлари вакиллари  муносиб деб топилди. 11 та туманда ташкил этилган комиссиялар, таъкидлаб ўтилганидек, шаҳар комиссияси билан келишилган ҳолда фаолият юритади.

Шаҳар Кенгаши қарорида туман ҳокимликларига фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш борасида фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш, хусусан зарурият туғилганда — бино ажратиш, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш тавсия этилди. Бу борада депутатларнинг эътибори ўз сайланган округлари бўйича фаолиятларини фаоллаштиришига қаратилади.

Сессияда депутатлар томонидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, АМАЛДАГИ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ ВА МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИНГ ВАКОЛАТ МУДДАТЛАРИ ТУГАЁТГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИ ҚАРОРИ БИЛАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ МАҲАЛЛИЙ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТАДИ.**

*Фуқаролар йиғинларига сайлов*

# МУҲИМ ЖАРАЁН АРАФАСИДА

Парламентнинг юқори палатаси қарорига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва 11 та туман бўйича комиссиялар таркиби тасдиқланди.

Бўлажак муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик ишларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида фуқаролар йиғинларида ўтказиладиган сайловларга кўмаклашувчи шаҳар комиссияси томонидан давра суҳбати ўтказилди.

Ушбу тадбирда туман комиссиялари, жамоат ташкилотлари вакиллари, туман ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, тегишли комиссияларнинг фаолияти халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ юритилади. Айни пайтда ушбу ҳужжат тегишли тадбирларнинг татбиқ этилишига доир барча мутасадди ва ваколатли тузилмаларга юборилган.

Кенг даврада ўтказилган тадбир давомида бевосита фуқаролар йиғинлари раислигига номзодларни танлаш масалаларига кўмаклашувчи ишчи гуруҳларини тузиш масаласи алоҳида ўрин олди. Айтиб ўтилганидек, ишчи гуруҳлари таркибига амалдаги оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари ҳамда сайланишга таклиф этилаётган номзодларнинг киритилиши ман этилади. Айнан ишчи гуруҳлари тегишли амалий жараёндан сўнг туман ҳокими билан келишиш учун туман комиссиясига оқсоқолликка номзодлар рўйхатини тақдим этади.

Ушбу масала муҳокамаси пайтида сайловчилар орасидан вакилларни сайлаш ҳам муҳим жараён дея қайд этилди. Ишчи гуруҳлари кўмаги остида ҳар бир кўп қаватли уй, кўча микёсида вакилларни сайлаш йиғинлари ўтказилиб, сайланган вакиллар юзасидан баённомалар тузилиши, бу борада ҳар бир фуқаронинг фикри эътиборга олиниши зарурдир.

Бу йилги сайловлар аввалгисидан қисман фарқ қилади. Гап шундаки, сайлов куни кун тартибида иккита масала кўрилади, яъни — маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда раис маслаҳатчилари сайланади. Сайлов жараёнининг шундай ўтказилиши «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, амалдаги қонунларга биноан маҳалла  фуқаролар йиғинлари раислари  ҳар чоракда ўз фаолияти юзасидан ҳисобот бериб бориши лозим. Маҳалла фуқаролар йиғини котиби ва комиссиялар аъзолари, қонунда белгиланганидек, сайлов ўтгандан кейин ўн кун ичида сайланади.

Давра суҳбати иштирокчилари ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишар экан, жойларда тушунтириш ишларини амалга ошириш жараёнида айнан сайлов кунига оид янгиликларни барчага, шунингдек сайловларни тайёрловчи ишчи гуруҳларига етказиш лозим дея таъкидлаб ўтишди.

Сайловларни юқори  даражада ташкиллаштириш мақсадида жойларда ташкил этиладиган ишчи гуруҳларининг Олий Мажлис Сенати томонидан тайёрланган услубий қўлланмалар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан таъминланишига ҳам алоҳида урғу бериб ўтилди.

Суҳбат давомида яна бир бор бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш  ва уни ўтказиш жараёнларига мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишдаги ролини кучайтиришга қаратилган энг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралиши таъкидланди.

**И. ШАРИПОВА**

*Транспорт*

# ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

**«ЧУҚУРСОЙ» ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТИ ЖАМОАСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛ БЎЙИ ЭСА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, САРАЛАШ, ЖЎНАТИШ КАБИ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА АДО ЭТИЛДИ.**

Битта вагонга юклатилган юкнинг ўртача статик вазни 2006 йилга нисбатан 27,9 тоннага кўпайди. Вагонларни саралаш самараси 105 фоизни ташкил этди.

Бекат ўз талаб ва истаклари доирасида мижозлардан вагонлардан фойдаланиш борасида ҳам кутилган натижаларга эришилди.

Ҳозир «Чуқурсой» темир йўл бекатида 190 нафар киши меҳнат қилмоқда. Бу ердаги аксарият иш жараёни автоматлаштирилгани сабабли қўл меҳнати енгиллашди. Янги йилда ҳам жамоа ўз олдида турган режаларни кўнгилдагидек адо этишга эришишни асосий мақсад қилиб қўйди.

# ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛМАЛАР

**ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИДА ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ХИЗМАТИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. АЙНИҚСА, ЭКСКАВАТОР, МАХСУС ИНШООТЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ БИР МАРОМДА ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМДИР.**

Сув ва ҳавони етказиш, ёзнинг жазирамасида ҳароратнинг салқинлигини таъминлаш, қишда эса бир маромда иссиқ иқлимни яратишда электромеханика хизмати қўл келади.

Махсус иншоотлар бўлими ҳам замонавий техникалар билан қуроллантирилди. Бу эса фавқулодда вазиятларда электр таъминоти ва ҳаво етказиб бериш юмушларини сифатли адо этишни йўлга қўйиш имконини берди. Йил давомида электромеханика хизмати учун замонавий аппарат ва асбоб-ускуналар харид қилинади. Шунингдек, малакали мутахассислар ишга жалб этилади.

**Дилноза  БОЗОРОВА**

# ПУХТА ҲОЗИРЛИК

**«ТОШАВТОБУСТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «18-АВТОБУС САРОЙИ» ЖАМОАСИ ҚИШ МАВСУМИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ БИР МАРОМДА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТЕХНИКАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ КЎРИБ ҚЎЙДИ.**

Автобус тизимларини таъмирлаш ва созлаш ишлари ўз вақтида адо этилди.

120 та автотранспорт воситаси ёнғинга қарши жиҳозлар билан таъминланди. Жойларда бир нечта ўт ўчириш постлари ташкил этилди. Шунингдек етарли миқдорда бензин, дизел ёқилғиси жамғарилди.

Бу каби тайёргарлик ишлари ўз ижобий самарасини бераётир.

**Акбар  АЛИЕВ**

# ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА «ЯНГИ АВЛОД-2008» БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУМАНЛАРАРО САРАЛАШ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси" томонидан 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу фестивал болалар ижодининг турли кўринишларини қўллаб-қувватлаш, уларни энг ёрқин ижодий лойиҳаларини жамлаш, истеъдодли болаларни аниқлаш ва уларни моддий-маънавий рағбатлантиришга қаратилган.

Аслида истеъдодсиз боланинг ўзи бўлмайди, муҳими уларнинг истеъдодини вақтида пайқаб юзага чиқариш учун қулай шарт-шароит яратиб беришда. Болаларнинг қобилиятини намойиш этиши учун имкон яратаётган, йўл бошловчи бўлаётган "Янги авлод–болалар ижодиёти фестивали" бу йил бешинчи бор ўтказилмоқда. Юртимиз ёшлари орасида тобора оммалашиб бораётган мазкур фестивалнинг Тошкент шаҳар туманлараро босқичи жорий йилдаги вилоят саралаш босқичини бошлаб берди.

Бу йилги фестивалда ўн уч мингга яқин ўғил-қиз иштирок этиш истагини билдирган. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига қараганда беш минг нафарга кўп демакдир.

– Жорий йилги фестивалнинг янгилиги ҳам кенг қамровлигидадир, – деди фестивалнинг ҳайъат аъзоси Дилдора Жамолова. – Чунки,  бу йил Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бизни қўллаб-қувватлаши катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Мазкур фестивалда юртимизнинг олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлари шеърият, вокал, рақс, мумтоз ҳамда миллий чолғу асбоблари, амалий ва таъсвирий санъат каби олти йўналишда ўз кучларини синаб кўришлари мумкин. "Янги авлод-2008" Республика болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент вилояти босқичида ўз йўналишида ғолиб бўлган энг фаол, ёрқин ва бетакрор ижро эгалари республика йўлланмасини қўлга киритади.

– Мен миллий йўналишда катта саҳнада қўшиқ куйлаб, рақсга тушаман, – деди Мадина Умарова. – Мазкур фестивалда "Бойлама" номли қўшиғимни куйламоқчиман.

Фестивал юртимиз ёшлари орасидан санъатга қизиққан, унга меҳр қўйиб аниқ мақсад сари интилаётган энг истеъдодли ёшларни танлаб олишга имкон бермоқда. Албатта мазкур фестивал бугун ва келажакда етук санъаткорларнинг кашф этилиши ҳамда миллий санъатимизни янада ривожланишига замин яратаётгани шубҳасиз.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

*Қарор ва ижро*

# ЁШЛАРДА МУСИҚА ВА САНЪАТГА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТИШ ЙЎЛИДА





**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИДА МАШҒУЛОТ ЎТИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН МУСИҚА АСБОБЛАРИ, УСКУНАЛАР ВА ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.**

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 7 январдаги Фармойиши  ва 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори  ушбу эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Мазкур Қарор асосида ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шакллантириш кўзда тутилган. Шунингдек, қабул қилинган Дастур келгусида фарзандларимизнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон мусиқалари ҳамда тасвирий санъат намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Ушбу Дастурнинг асосий мақсади ҳам мамлакатимизда бошланғич мусиқий таълим тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу Қарор ижросини таъминлаш ҳамда унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, мусиқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, унда амалга оширилаётган ишлар билан кенг жамоатчиликни таништириш, мусиқий таълим самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган мазкур кўргазмадан 50 турдаги – 181 та халқ ва анъанавий ҳамда 30 турдаги — 54 та хорижда ишлаб чиқарилаётган мусиқа чолғулари, 10 турдаги мактаб жиҳозлари, 17 турдаги тасвирий санъат жиҳозлари, адабиёт ва ноталар  ўрин олган. Жами 11 та ишлаб чиқариш корхоналаридан 29 та усталар иштирок этмоқда.

— Кўргазманинг асосий мақсади, ёш авлоднинг мусиқа ва санъат йўналишига қизиқишини уйғотиш, мумтоз мусиқа ҳамда санъатимиз дурдоналари билан таништириш, — дейди Маданият ва санъат  кўргазмаси директори Юлдуз Ёрмуҳамедова, — хориж мусиқа маданиятини ўргатиб, фарзандларимизнинг маънавий онгини ва дунёқарашини юксалтириш, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарувчилар, халқ усталари, бастакор ва илмий ходимларни ушбу соҳа йўналишига жалб этишдир.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**
**Алексей Попов олган суратлар**

*2008 — Ёшлар йили*

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ

**МАМЛАКАТИМИЗ ҲУҚУҚИЙ  ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИНИ ТАНЛАДИ.БУ ЙЎЛДА СОБИТҚАДАМЛИК БИЛАН ИЛДАМ ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДА. БАРЧА ЖАБҲАДА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ.**

Мана, истиқлолга эришганимизга 17 йил бўлди. Бу унча узоқ муддат эмас. Аммо ўтган даврда эришилган ютуқлар салмоқли, тараққиёт одимлари эса ниҳоятда залворли. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ кўплаб ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши демократия томон юзланишнинг чинакам ифодасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик янгиланиш ва эркин ҳаётга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамиятининг пойдевори яратилди. Танлаган йўлимиз қандай манзилга элтишини аниқ-равшан кўра бошладик. Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун халқимизнинг қадимий анъаналари, қадриятларимизни давом эттиришимиз, ҳуқуқий маданиятимизни  юксалтиришимиз зарур. Мамлакатимизда илм-фан ва техника юксак даражага кўтарилаётган бугунги кунда ҳар қандай жамият тараққиётининг бирламчи воситаси узлуксиз таълим эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

1997 йил 25 июлда Президентимиз "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Унинг ижроси бўйича фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш  борасида вилоят марказларида ҳуқуқни  муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг касбий тайёргарлигини  янада мустаҳкамлаш мақсадида  тўлиқ тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони эмас, балки ушбу қонунларнинг қай даражада ижро этилиши билан белгиланади. Одамларда қонунларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, "Ҳуқуқий меъёрлар одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади", — дея таъкидлайди Президентимиз.

Мамлакатимизда мустақиллик туфайли инсон, унинг эрки, қадр-қиммати ва шаъни катта бойлик, олий қадриятга, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, маданиятни юксалтириш асосий ва долзарб масалага айланди.

Демак, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун аввало, маънавий қадриятларимизни ҳурмат қиладиган, соғлом фикрли, ижтимоий фойдали меҳнат қилишга интиладиган ёшларни тарбиялаб вояга етказиш керак бўлади.Чунки  келажак ёшларники. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ёшлигидан ҳуқуқий билим ва тушунчаларни пухта эгалласа, қабул қилинаётган қонун ва  бошқа ҳужжатлар билан муттасил танишиб борса ўзининг  фуқаролик ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймайди, аксинча, атрофда содир бўлаётган ижобий, салбий ҳодисаларга ўз муносабатини билдиради. Ҳозир мамлакатимизда ёшларнинг илм олиши, турли касб эгалари бўлиб етишиши учун жуда катта шароитлар яратилган.Уларнинг хоҳлаган жойда ўқиб, ҳунар ўрганишлари учун зарур имтиёзлар мавжуд.

Қолаверса, юртимизда жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ҳам бу йўналишдаги мақсадларимизни рўёбга чиқаришга яна бир турткი бўлмоқда. Ёшларнинг ҳар бир соҳада, жамият ва ҳаётда ўз ўринларини эгаллаб, муносиб юрт эгалари бўлиб улғайишларида катта имкониятлар эшиги очилди. Бундай имтиёзлардан оқилона ва одилона фойдаланиш эса юксак маънавият ва маданиятли бўлмоқликни талаб этади. Ушбу шарафли йўлда илдам қадамлар ташлаб бораётган собитқадам ёшлар эртага мустақил ва пойдевори мустаҳкам юртимизнинг тақдирини белгилашади. Шундай экан уларнинг масъулиятли ва шарафли вазифани бажаришлари учун ёшликдан тўғри таълим-тарбия бериш, жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга  етишларига муносиб ҳисса қўшиш керак.

**Барно КАМОЛОВА,**
**Чилонзор туманидаги 3-сонли давлат нотариал идора нотариуси**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА МАТНШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ШАРҚШУНОС, МАНБАШУНОС, МАТНШУНОС, ТИЛШУНОС, ТАРИХЧИ, АДАБИЁТШУНОС ОЛИМЛАР ВА ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

# МАТНШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тарихимизни асл ҳолича ўрганишга қаратилаётган улкан эътибор туфайли юртимиз ва хориждаги қўлёзма фондларида, музейлар ва кутубхоналарда сақланаётган нодир манбаларни мукаммал тадқиқ этиш, уларда ўз ифодасини топган миллий ва умуминсоний ғояларни келажак авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олимлар ва мутахассисларнинг бу борадаги изчил изланишлари натижасида буюк алломаларимиз томонидан яратилган кўплаб асарлар, тарихимизнинг турли даврларига оид қимматли манбаларнинг салмоқли қисми асл ҳолича тадқиқ қилинди ва чоп этилди. Илмий изланишлар жараёнида хориждаги нуфузли илм-фан марказлари билан яқиндан алоқалар йўлга қўйилгани қадимий манбаларни хорижий тилларга таржима қилиш ҳамда бебаҳо маънавий меросимизни жаҳон миқёсида кенг намойиш этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда қайд этилганидек, қадимий манбаларни ўрганишга қаратилаётган бундай эътибор матншунослик соҳасини ривожлантириш, матнлар устида ишлаш ва илмий-танқидий матн тузиш жараёнларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Тадбирда ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, манбашунослик ва матншуносликнинг назарий ва амалий масалалари, бу борадаги илмий изланишлар натижалари хусусида атрофлича фикр алмашилди. Тарих ва матншунослик, манбаларни қиёсий ўрганиш муаммолари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ХАЗОНЛАРНИ ЁҚИШ САЛОМАТЛИГИМИЗ УЧУН КОНИ ЗАРАР

**КУЗ ХАЗОНРЕЗГИ ФАСЛ. АММО ОЛТИН КУЗНИНГ ЎЗИГА ЯРАША ТАШВИШЛАРИ ҲАМ БОР. ОДАМЛАР КЎПРОҚ МАҲАЛЛА, ХОНАДОНЛАРНИ САРАНЖОМ-САРИШТАЛАБ ТУРЛИ ХИЛ ЧИҚИНДИ, АЙНИҚСА, ДАРАХТДАН ТЎКИЛГАН ЯПРОҚЛАРНИ ТЎПЛАБ, АТРОФ-МУҲИТНИ ТОЗА САҚЛАШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИЛАР. БИЗ БИЛАН СУҲБАТДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ ДАВЛАТ НОЗИРИ МАКТУБА УМАРОВА ХАЗОНЛАРНИ ЁҚИШНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА АТРОФ-МУҲИТГА ЗАРАРЛИ ТАЪСИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:**

— Дарҳақиқат, озодалик ва саришталикка нима етсин? Аммо хазонларни ёқсак қандай ёмон натижаларга олиб келишини бир мушоҳада қилиб кўрайлик.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дарахт барглари, чиқиндилар ёнганда атроф-муҳит ифлосланади, аҳоли саломатлигига салбий таъсир этади. Аҳамият берганмисиз, барглар тўкилишидан олдин тўқ рангга кириб, чангга беланиб қолади. Чунки яшил олам баҳор, ёз бўйи атмосфера ҳавоси ва тупроқдаги турли токсик моддаларни — автотранспорт, саноат корхоналаридан чиқаётган газли чиқиндилар таркибидаги заҳарли моддаларни, чанг-тўзонни «ютиб» олган бўлади.

Хазонлар ёқилганда кул таркибидаги оғир металл заррачалари тупроқнинг юқори қисмида тўпланиб қолади ва атмосфера ҳавоси ифлосланади. Оддий целлюлоза, яъни полимер ёнганда полициклик моддалар ҳосил бўлади. Ёки турли хил маиший чиқиндиларга ўт қўйганимизда ҳар хил полиароматик углеводородлар, ўта заҳарли, инсон саломатлиги учун хавфли — канцероген модда (бензапирен) ҳосил бўлади.

Маълумки, тутун таркибида асосан монооксид углероди, яъни, ис гази — CO- мавжуд: ис гази соғлиқ кушандаси, у қон таркибидаги гемоглобин билан (метгемоглобинга айланиб) осонгина қўшилади ва инсон организмига кислород етиб боришини қийинлаштиради, танани заҳарлайди.

Баъзилар ҳаво нам пайтларда ҳар хил чиқинди, шох-шабба ва хазонларни ёқишади. Оқибатда ҳавода инсон соғлиғига хуруж қилувчи «модда» пайдо бўлади. Чиқиндига ўт қўйилганда, чала-чулпа ёниб, бурқсиб ётган куйиндидан ҳавода микрозаррачалар ҳосил бўлади. Улар қанча майда бўлса, инсоннинг танасига нафас йўли орқали шунчалик осон тушади ва қонга «сўрилади». Тасаввур қилиб кўринг, бир тонна чиқинди ёнганда 9 килограмм шундай заррачалар ҳосил бўларкан...

Агар хазонга қўшиб ҳар хил полимерлар ҳам ёндирилса, заҳарли модда — диоксидлар ҳосил қилади. Хазон, чиқинди ёнган гулханлар тутунида инсон соғлиғи учун зарарли ҳисобланган моддаларнинг концентрацияси белгиланган меъёрлардан 200-300 баравар ортиқ бўлади.

Яна бир жиҳат: хазонлар ёқилганда ҳавога тарқаладиган тутун аввало, ёши кексалар, аёллар, болалар соғлиғига жиддий путур етказади. Аҳоли орасида астма, аллергия, зотилжам, қон босими кўтарилиши каби касалликларга олиб келади.

Олимларимиз ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, кўча юзида (автотранспорт серқатнов йўллар четида) ўсган дарахт хазонлари ёндирилганда, улар юзида тўпланган қўрғошин чанги (ўта канцероген модда) сурункали заҳарланишга олиб келиши аниқланган. Афсуски, биз баъзан хазонлар қўланса ҳид таратиб ёниб, тутуни кўкка ўрлаб ётса ҳам ёнидан бепарво ўтиб кетаверамиз...

Кези келганда шуни айтиш керакки, маҳаллалар қўмитаси, ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва масъул ташкилотлар «Махсустранс» билан шартнома тузиб, чиқиндиларни вақтида олиб кетилишини таъминлашлари ва назоратни кучайтиришлари мақсадга мувофиқ. Зеро, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонуннинг 4-моддасида: «Фуқаролар атмосфера ҳавосини авайлашлари, унинг ифлосланишига, камайишига ва унга физикавий омиллар зарарли таъсир этишига олиб келувчи хатти-ҳаракатларни қилмасликлари шарт»лиги мажбурият қилиб белгилаб қўйилган.

**Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди**

**Хазонларни ёқманг!.. Зотан, турар жойлар, маҳалла ва хонадонларимиз озодалиги, саранжом-саришталиги ўзимизга боғлиқ. Ўзимизнинг, гулдан нозик фарзандларимизнинг сиҳат-саломатлиги, келажагимизни ўйлаган ҳолда ўз саломатлигимизга ўзимиз болта урмайлик.**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯ ВА ДРАМА ТЕАТРИДА ДРАМАТУРГ ИНОМЖОН ТУРСУНОВ ҚАЛАМИГА МАНСУБ "ТУЗОҚ" МУСИҚАЛИ СПЕКТАКЛНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ. АСАРНИ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШ РЕЖИССЁР ГУЛРУХ НАЖИДОВА САҲНАЛАШТИРГАН.**

# ЯНГИ СПЕКТАКЛ ТАҚДИМОТИ

Бойлик ва эзгулик ўртасидаги кураш, худбинлик ва маънавий комиллик орасидаги зиддиятлар асар ғоясини ташкил этади. Инсон умри давомида комил, маънавий баркамол бўлиб қола оладими ёки йўқми. Спектаклда ана шундай саволларга жавоб изланади. Бир бахтли оиланинг суянчиғи бўлган эр, аёлига тоғасидан катта мерос қолганини билгач, бойликни тинч-тотув ҳаётидан афзал билиб, хотинини ўлдириб, бойликка ўзи эга чиқмоқчи бўлади. Оқибатда эса, ўзининг разил қилмишлари ошкор бўлиб, жиноятига яраша ўз жазосини олади.

Спектакл тақдимотидан сўнг, бош режиссёр Бахтиёр Назаров келгусидаги режалар хусусида тўхталиб, ўсмирлар ҳаётидан олинган "Сохта малика" номли спектаклни томошабинлар ҳукмига ҳавола қилиш режалаштирилганлигини таъкидлади.

**Гулбаҳор ҚОБУЛОВА**
**"Туркистон-пресс"**

*Таэквондо*

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУАСИДА ХАЛҚАРО ТАЭКВОНДО ФЕДЕРАЦИЯСИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДА САККИЗИНЧИ ҲАМДА ФАХРИЙЛАР ЎРТАСИДА УЧИНЧИ МАРТА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ТАЭКВОНДО БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ ЯКУНИГА ЕТДИ.**

Жанубий Африка Республикаси, Италия, Россия, Германия, Чехия, Австралия, Хитой, Япония, Мўғулистон, Ҳиндистон, Эрон, Ўзбекистон сингари дунёнинг 53 мамлакатидан келган 500 нафардан зиёд спортчи иштирок этган ушбу нуфузли турнир мамлакатимизда таэквондо ёшлар орасида оммалашиб кетганлигини яна бир карра исботлади.

Муросасиз ва қизиқарли курашларга бой кечган баҳслар якунида 17 та олтин, 14 та кумуш ва 13 та бронза медалларини қўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

### ҲИКМАТЛАР

**Асли ёмон қилмас ҳеч кимга вафо,**
**Ёмон ёмонликдан топмагай асло.**

**Шунинг учун ёмондир аслида чаён,**
**Заҳар солмоқ ҳунар, тийилмоқ нуқсон.**

* * *

**Ҳунар ўрган, илму ҳунардан, хуллас,**
**Эшик очувчи бўл, ёпувчи эмас.**

* * *

**Кимки ўрганишни уят билмайдур,**
**Тошдан лаъл ундирар, сув қаъридан дур.**

**Кимнингки, илмдан ризқу рўзи бор,**
**Илм ўрганишдан асло этмас ор.**

**Қанча тезфаҳмлар қилди танбаллик,**
**Охири ишлари бўлди ҳаммоллик.**

* * *

**То кишида ёшлик, соғлиқ иқтидо,**
**Ғар мурод калиди қўлда муҳайё.**

* * *

**Бировларга муҳтож бўлгандан минг бор**
**Яхши-ку қаноат бўлса менга ёр.**

* * *

**Ўзга ҳомийлигин шер этиб инкор,**
**Мавжудот ичинда бўлди улуғвор.**

* * *

**Дастурхонингдан нон улаш кўпми-оз,**
**Ўзга ҳолвасини егандан шу соз.**

* * *

**Азиз жойни олур гар келса азиз.**

* * *

**Яхши киши жилов бермас тубанга,**
**Дўстини қолдириб кетмас душманга.**

* * *

**Халқ кўрмасин деймиз очлигу йўқлик,**
**Аммо юмушлари тўқликка шўхлик.**

* * *

**Сасийди ҳовузда сув турса узоқ.**

* * *

**Ким жинояткорнинг бермас таъзирин,**
**Ҳеч бир кимса унга демас офарин.**

* * *

**Давлат изланг мазҳаб ичра,**
**молу дунёдан эмас,**
**Бермагай Юсуф бўйин гул,**
**кўйлак ўлмас арғувон.**

* * *

**Касб этиб ҳикмат йўлидин борки,**
**ҳикмат чашмаси,**
**Айби борнинг айбидин ҳам ҳикмат ол,**
**бўл комрон.**

* * *

**Йўқ безакдан фойда асло,**
**туҳфа қил, зар туҳфа қил,**
**То тамом умрингда зардек кекса**
**бўл ҳам навқирон.**

* * *

**Эркаларкан соҳибинг, сен унга майли**
**банди бўл,**
**Бандаларни эт навозиш қайда гар**
**сен ҳукмрон.**

* * *

**Этма золимлик кишига,**
**адл ила ром эт уни,**
**Яхшилик қўлданки келмас,**
**зулм ҳам қилма чунон.**

* * *

**Ўзга нонин тортиб олма,**
**ичма ўзгалар сувин,**
**Оқил одам бир фаришта,**
**золим эрса беимон.**

* * *

**Солди не ишлар отанг Одам бошига**
**битта дон,**
**Ҳар қадам тупроғи бўлма топгунинча**
**бурда нон.**

* * *

**Ўз заифлигингни кўргил,**
**қудратингдан урма лоф,**
**Эй амир, сен бандасен-ку,**
**эй табиб, сен нотавон.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

## ДУШАНБА, 13

### «Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ – анонс.
8.50 «Олтин мерос».
8.55 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
9.45 «Изҳор».
9.50 «Икки дарё оралиғида».
10.10 ТВ – анонс.
«Болалар сайёраси»:
10.15 «Болалар дунёси».
10.35 «Покахонтас». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Бухоро ҳунармандлари».
11.20 «Ватанпарвар».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Қор қўйнида лола». Б/ф.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ – анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Ифорлар оғушида».
15.10 Ўсмирлар симфоник оркестрининг концерти.
15.55 «Обод манзиллар».
16.15 ТВ – анонс.
16.20 «Икки дарё оралиғида».
16.40 «Рангин дунё».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ – анонс.
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Геологик қўриқхона».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
18.45 «Бир кун».
19.10 «ТВ – шифокор».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ – анонс.
20.05 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
20.45 «Олтин мерос».
20.50 ТВ – анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Ўзбекистон пахтаси».
21.50 «Инсон матонати». Т/с.
22.55 «Иқлим».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.10 «Икки тақдир». Т/с.
23.50-24.00 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Бир само остида».
00.40 «Рангин дунё».
01.00 «Ахборот». /рус/.
01.30 «Қор қўйнида лола». Б/ф.
02.35 «Ўзбекистон пахтаси».
02.55 «Ватанпарвар».
03.35 «Бир кун».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТВ – анонс.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Икки дарё оралиғида».
05.05 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
05.40-05.55 Тонгги наволар.

### «Ёшлар»

15.55 «Yoshlar» саломи».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
16.35 «Менинг оилам».
16.40 «Матонат».
16.55 «Style.Uz».
17.00 «Келажак эгалари».
17.10 «Journal».
17.30 «Соғлик-бойлик».
17.50 «Келажак овози».
18.00 «Қувноқ дўмбоқчалар».
18.10 «Паноҳ». Т/с.
18.50 «UzEX».
18.55 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16 ёшда: «Қомус».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Самовий ишқ». Т/с.
20.15 «Style.Uz».
20.20 «Ватанпарвар».
21.00 «Мода ва дизайн».
21.05 «Июнь оқшоми». Т/с.
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Тошкент оқшоми».
22.40 «UzEX».
22.45 «Само жанги». Т/с.
23.35 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультсериал: «Тоғлик». 15-қисм.
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Эсмеральда». Телесериал.
19.20 Бизнес – «Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Интервью» /рус/.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.15 «Анонс».
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
22.45 Дневник. Неделя Дизайна и Моды «Style. Uz 2008».
22.55 «Кино SMS со звездами».
23.00- 1.00 Кино. «Арсен Люпен».

### «Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.00 Стрельба из лука.
10.30 Спортивная гимнастика.
11.10, 12.00 Мини-футбол.
16.55, 23.20 Футбол.
18.50, 21.30 «Хабарлар».
19.10 «Азия Лото».
19.45 Самбо.
20.40 «Монтекристо». Сериал.
21.50 Теннис.

### «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35, 2.00 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.20 «Убойная сила». Сериал.
12.25, 00.10 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.15 «Огонь любви». Сериал.
15.10 «Давай поженимся!».
16.00 «Федеральный судья».
17.10 Жди меня.
18.05 «След».
18.50 «Монтекристо». Сериал.
20.00 Время.
20.30 «Тяжелый песок». Сериал.
21.30 «Моя обманчивая мрачность».
22.50 Теория невероятности.
23.40 «Гении и злодеи».
00.40, 2.05 Х/ф «Уолл-стрит».
2.55 «Загадки Азии. Затерянные храмы Индии».

### «Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55 «Жизнь в ритме марша. Сага о Покрассах».
8.50 Сериал «Срочно в номер».
9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.20, 16.25, 19.35 Вести-Москва.
10.50 «Приключения капитана Врунгеля». М/ф.
11.05 Х/ф «Эгоист».
13.40 Х/ф «Когда не хватает любви».
15.30 «Кулагин и партнеры».
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
18.00 «Родные люди». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Сериал «Украсть у...».
21.50 «Мой серебряный шар. Ольга Дроздова».
22.50 «Вести+».
23.10 «Честный детектив».
23.40 «Синемания».
00.10 «Дорожный патруль».
00.30 Х/ф «Формула любви».
2.15 Х/ф «Ругантино».

### «НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Следствие вели...».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 «Сегодня».
9.20 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
9.55 «Кулинарный поединок».
10.55 «Квартирный вопрос».
12.40 Х/ф «Теневой партнер».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.35, 00.45 Сериал «Возвращение Мухтара».
18.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей-9».
20.40 «И снова здравствуйте!».
21.35 «Безумный день. Обзор».
22.25 Сериал «Проклятый рай - 2».
23.20 «Школа злословия».
00.15 «Quattroruote».
2.40 «Преступление в стиле модерн».
3.05 Сериал «Без следа - 5».
4.00 Сериал «Аэропорт».

### «СТС»

7.00 «Зена - королева воинов». Сериал.
7.55, 14.00 «Смешарики». М/с.
8.00, 12.00, 18.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
8.30, 10.30, 20.00 Сериал «Папины дочки».
9.00, 21.00 «Рыжая». Сериал.
10.00, 19.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00 Сериал «Кто в доме хозяин?».
13.00, 18.30, 4.10 «Не может быть!».
14.30 «Приключения карманных дракончиков». М/с.
15.00 «Космические охотники на дорков». М/с.
15.30 «Трансформеры». М/с.
16.00 «Скуби и Скрэппи». М/с.
16.30 «Клуб Винкс - «Школа волшебниц». М/с.
17.00 «Ханна Монтана». Сериал.
17.30 «Галилео».
22.00 «Ранетки». Сериал.
22.58 Скажи!
23.00 Х/ф «Дневной свет».
1.30 «Кино в деталях».
2.30 «Спасибо за покупку». Сериал.
5.10 Музыка на СТС.

### «ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультфильмы.
7.45 М/ф «Космические ковбои».
8.15 М/ф «Мир Бобби».
8.45 М/ф «Черепашки-ниндзя».
9.55, 10.55, 14.55, 15.55, 19.55, 00.55 «Астропрогноз».
10.00, 16.00 Сериал «Ангел».
11.00 Д/ф «Загадка Рихарда Зорге».
13.00 Д/ф «Правда об НЛО: Великобритания».
14.00, 18.00 Сериал «Звездные врата: Атлантида».
15.00 Д/ф «Городские легенды. Двойная жизнь Невского проспекта».
17.00 Д/ф «Разрушители мифов».
19.00 Сериал «Город пришельцев».
20.00 Сериал «Говорящая с призраками».
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Околдованный завоеватель. Атаман Ермак».
22.00 Сериал «Черный ворон».
23.00 Д/ф «Карельская история корейского «Боинга».
00.00, 3.00 Сериал «За гранью возможного».
1.00 Х/ф «Дух мщения».
4.00 Х/ф «Говорящие с ветром».
6.00 Relaкс.

## СЕШАНБА, 14

### «Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00 «Ахборот».
8.30 ТВ – анонс.
8.35 «Олтин мерос».
8.40 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
9.25 «Изҳор».
9.30 «Икки дарё оралиғида».
«Болалар сайёраси»:
9.50 «Уйла, Изла, Топ!»
10.30 «Покахонтас». М/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Инсон матонати». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ – анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Самовий археология».
15.10 «Интеллектуал ринг».
15.55 «Ўзбекистон пахтаси».
16.15 ТВ – анонс.
16.20 «Икки дарё оралиғида».
16.40 «Маҳалла».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ – анонс.
17.15 «Олтин мерос».
17.25 «Ҳудудлар ҳаёти».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ бизнес хабарлари».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
18.45 «Яхшилар ёди».
19.10 «ТВ – шифокор».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ – анонс.
20.05 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
20.45 «Олтин мерос».
20.50 ТВ – анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Одамлардан бири».
21.50 «Инсон матонати». Т/с.
22.55 «Иқлим».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/
23.10 «Икки тақдир». Т/с.
23.50-24.00 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Мўйқалам сеҳри».
00.40 «Одамлардан бири».
01.00 «Ахборот». /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.20 «KINOMANIYA».
02.50 «Ҳаёт манзаралари».
03.00 «Ахборот». /инглиз/.
03.10 «Оҳанрабо».
03.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Япон боғи».
04.00 «Ахборот».
04.80 ТВ – анонс.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Икки дарё оралиғида».
05.05 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
05.40-05.55 Тонгги наволар.

### «Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Даврнинг боласи».
7.10 «Мультипанорама».
7.50 «Болалар табассуми».
8.00 «Ёшлар майдони».
8.50 «Мароқли зоология».
9.15 «Style.Uz».
9.20 «Самовий ишқ». Т/с.
9.55 «Ёшлар йили».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Ўнта негр боласи». Б/ф.
11.20 «Мода ва дизайн».
11.25 «2000-йилдан сўнг».
11.55 «Сиз учун!»
12.00 «Июнь оқшоми». Т/с.
12.50 «UzEX».
12.55 «Борлигимиз».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Чемпион».
13.30 «Камолот».
13.40 «Journal».
14.00 «Муҳаббатим-қисматим». Т/с.
14.45 «KINOMANIYA».
15.15 «Ватанпарвар».
15.55 «Қомус».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
16.35 «Менинг оилам».
16.40 «Ёшлар ва таълим».
16.50 «Тафаккур чироғи».
17.00 «Ёшлар майдони».
17.50 «Даврнинг боласи».
18.00 «Қувноқ дўмбоқчалар».
18.10 «Паноҳ». Т/с.
18.50 «UzEX».
18.55 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16 ёшда: «Қомус».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Самовий ишқ». Т/с.
20.15 «Style.Uz».
20.20 «Сўнмас юлдузлар».
20.40 «Автопатруль».
21.00 «Мода ва дизайн».
21.05 «Июнь оқшоми». Т/с.
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Тошкент оқшоми».
22.40 «UzEX».
22.45 «Само жанги». Т/с.
23.35 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультсериал: «Тоғлик». 16-қисм.
18.05 «Телекурьер- маркет».
18.25 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Эсмеральда». Телесериал.
19.20 Бизнес- «Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/
20.15 «Тошкент-2200 « /рус/.
20.20 «Милагрос». Телесериал. /рус/.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Моҳир». /рус/.
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/
22.45 Дневник. Неделя Дизайна и Моды «Style. Uz 2008».
22.55 «Кино SMS со звездами».
23.00- 00.40 Кино. «Минувшие дни».

### «Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.15 «Мир природы». Д/ф.
9.50 Бокс.
10.30 Оғир атлетика.
11.10 Мини-футбол.
11.45, 12.05 Миллий эстрада - симфоник оркестри концерт дастури.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.50 «Спортимиз маликалари».
19.10 «Футбол шарҳи».
19.30 Самбо.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 «Монтекристо». Сериал.
21.50 Теннис.
23.20 Футбол.

### «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00 17.00, 22.35, 2.00 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.20 «Убойная сила». Сериал.
12.25 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.15 «Огонь любви». Сериал.
15.10 «Давай поженимся!».
16.00 «Федеральный судья».
17.10 «Пусть говорят».
18.05 «След».
18.50 «Монтекристо». Сериал.
20.00 Время.
20.30 «Тяжелый песок». Сериал.
21.30 «Женское счастье. Бархатный сезон».
22.50 Ударная сила.
23.40 «Янтарный призрак».
00.30, 2.05 Х/ф «Тринадцатый этаж».
2.25 Комедия «Беспредел в средней школе».

### «Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55, 3.10 «Любовь и голуби. Фестиваль-57».
8.50 Сериал «Срочно в номер».
9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00,19.00 Вести.
10.30 Вести-Московская область.
10.50 «Приключения капитана Врунгеля». М/ф.
11.05 Сериал «Тайны следствия».
13.207 16.25, 19.35 Вести-Москва.
13.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
14.40 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
18.00 «Родные люди». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Сериал «Украсть у...».
21.50 «Иду на взрыв. Смертельные будни».
22.50 «Вести+».
23.10 Х/ф «Яды или Всемирная история отравлений».
1.15 «Дорожный патруль».
1.30 Х/ф «Анискин и Фантомас».
2.50 Сериал «Война в доме-2».

### «НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Наше все!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 «Сегодня».
9.25 «Комната отдыха».
10.00 Сериал «Кодекс чести- 2».
12.30 Сериал «Агония страха».
13.30 «Суд присяжных».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.35 Сериал «Возвращение Мухтара».
18.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей-9».
20.40 «Следствие вели...».
21.35 «Безумный день. Обзор».
22.25 Сериал «Проклятый рай - 2».
23.25 «Главная дорога».
23.55 Сериал «Зона».

### «СТС»

7.00 «Зена - королева воинов». Сериал.
7.55, 14.00 «Смешарики». М/с.
8.00, 12.00, 18.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
8.30, 10.30, 20.00 Сериал «Папины дочки».
9.00, 21.00 «Рыжая». Сериал.
10.00, 19.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 22.00 «Ранетки». Сериал.
13.00, 18.30, 4.45 «Не может быть!».
14.30 «Приключения карманных дракончиков». М/с.
15.00 «Космические охотники на дорков». М/с.
15.30 «Трансформеры». М/с.
16.00 «Скуби и Скрэппи». М/с.
16.30 «Клуб Винкс - «Школа волшебниц». М/с.
17.00 «Ханна Монтана». Сериал.
17.30 «Галилео».
22.58 Скажи!
23.00 Х/ф «Быстрый и мертвый».
1.30 «Слава богу, ты пришел!».
2.45 «Танцы под звездами». Сериал.
5.35 Музыка на СТС.

### «ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультфильмы.
7.45 М/ф «Космические ковбои».
8.15 М/ф «Мир Бобби».
8.45 М/ф «Черепашки-ниндзя».
9.55, 10.55, 14.55, 15.55, 19.55, 00.55 «Астропрогноз».
10.00, 16.00 Сериал «Ангел».
11.00 Д/ф «Тайные знаки. Околдованный завоеватель. Атаман Ермак».
12.00 Д/ф «Карельская история корейского «Боинга».
13.00, 22.00 Сериал «Черный ворон».
14.00, 18.00 Сериал «Звездные врата: Атлантида».
15.00, 20.00 Сериал «Говорящая с призраками».
17.00 Д/ф «Разрушители мифов».
19.00 Сериал «Город пришельцев».
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Влюбленная в призрака. Елена Блаватская».
23.00 Д/ф «Ясновидящие».
00.00, 3.00 Сериал «За гранью возможного».
1.00 Х/ф «Энергия зла».
4.00 Х/ф «Взрыв».
6.00 Relaкс.

## ЧОРШАНБА, 15

### «Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00 «Ахборот».
8.30 ТВ – анонс.
8.35 «Олтин мерос».
8.45 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
9.30 «Изҳор».
9.35 «Икки дарё оралиғида».
9.55 ТВ – анонс.
«Болалар сайёраси»:
10.00 «Бизнинг кутубхона».
10.10 «Покахонтас». М/с.
10.35 ТВ – анонс.
10.40 Ғ.Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Япон боғи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Инсон матонати». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Олам ва одам» дастури: «Қуёш».
15.00 «Ўзбегим ёшлари» – дунё бўйлаб». 1-қисм.
15.45 ТВ – анонс.
15.50 «Қалқон».
16.20 «Икки дарё оралиғида».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ – анонс.
17.15 «Олтин мерос».
17.20 2008 йил – Ёшлар йили. «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
18.50 «Навоийни англаш».
19.10 «ТВ – шифокор».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ – анонс.
20.05 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
20.45 «Олтин мерос».
20.50 ТВ – анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Ўзбекистон пахтаси».
21.50 «Инсон матонати». Т/с.
22.55 «Иқлим».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/
23.10 ТВ – анонс.
23.15 «Икки тақдир». Т/с.
23.55-00.05 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 «Сеҳрли қўллар».
00.45 «Истеъдод».
01.00 «Ахборот». /рус/.
01.30 ТВ – анонс.
01.35 «Ёшлар майдони».
02.25 «Ўзбегим ёшлари» –дунё бўйлаб». 1-қисм.
03.10 «Маърифат маскани». 1-қисм.
03.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Марғилон».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Олтин мерос».
04.45 «Икки дарё оралиғида».
05.05 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
05.40-05.55 Тонгги наволар.

### «Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Даврнинг боласи».
7.10 «Мультипанорама».
7.50 «Болалар табассуми».
8.00 «Ёшлар майдони».
8.50 «Мароқли зоология».
9.15 «Style.Uz».
9.20 «Самовий ишқ». Т/с.
9.55 «Ёшлар йили».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Ўнта негр боласи». Б/ф.
11.20 «Мода ва дизайн».
11.25 «2000-йилдан сўнг».
11.55 «Сиз учун!»
12.00 «Июнь оқшоми». Т/с.
12.50 «UzEX».
12.55 «Борлигимиз».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Яшаш сирлари».
13.30 «Келажак овози».
13.40 «Ёшлар киноси».
14.00 «Муҳаббатим-қисматим». Т/с.
14.45 «Эверест».
15.15 «Сеҳрли қўллар».
15.55 «Қомус».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
16.35 «Менинг оилам».
16.40 «Ёшлик баёзи».
16.50 «Тафаккур чироғи».
17.00 «Ёшлар майдони».
17.50 «Даврнинг боласи».
18.00 «Қувноқ дўмбоқчалар».
18.10 «Паноҳ». Т/с.
18.50 «UzEX».
18.55 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16 ёшда: «Қомус».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Самовий ишқ». Т/с.
20.15 «Style.Uz».
20.20 «Тошкентнома».
20.40 «Автопатруль».
21.00 «Мода ва дизайн».
21.05 «Июнь оқшоми». Т/с.
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Тошкент оқшоми».
22.40 «UzEX».
22.45 «Само жанги». Т/с.
23.35 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7 30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар, информацион-мусиқий дастур.
8.30 «Эсмеральда». Телесериал.
8.55 «Телекурьер-маркет».
9.15 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.20 «Ҳимоя».
9.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Репортаж».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» ахборот дастури. /рус/.
10.40 «Милагрос». Телесериал. /рус/.
11.10 «Интервью». /рус/.
11.20 «Мысли вслух».
11.25 «Тошкент-2200». /рус/.
11.30 «Анонс».
11.35-13.10 Кино. «Минувшие дни».

* * *

17.50 «Кўрсатувлар тартиби».
17.55 Мультсериал: «Тоғлик». 17-қисм.
18.05 «Телекурьер- маркет».
18.25 «Тошкент-2200».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Эсмеральда». Телесериал.
19.20 Бизнес - «Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Дурдона».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.15 «Тошкент-2200 « /рус/.
20.20 «Милагрос». Телесериал. /рус/.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 2008 йил- Ёшлар йили: «Эртамиз эгалари».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
22.45 Дневник. Неделя Дизайна и Моды «Style. Uz 2008».
22.55 «Кино SMS со звездами».
23.00- 00.40 Кино: «Друг невесты».

### «Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.15 «Мир природы». Д/ф.
9.50 Бокс.
10.30 Оғир атлетика.
11.10 Мини-футбол.
11.45, 12.25 Спортивная гимнастика.
15.15, 19.00 Футбол.
17.15 Теннис.
18.50 «Тет-а-тет».
20.50 «Монтекристо». Сериал.
21.50, 23.40 Футбол.

### «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.00, 2.00 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.20 «Убойная сила». Сериал.
12.25 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.15 «Огонь любви». Сериал.
15.10 «Давай поженимся!».
16.00 «Федеральный судья».
17.10 «Пусть говорят».
17.45 Х/ф «Нежданно-негаданно».
19.20 Время.
19.50 Футбол. Отборочный матч чемпионата мира.
22.00 «Тяжелый песок». Сериал.
23.20 «Старт №100».
00.20, 2.05 Триллер «Дар».
2.25 Комедия «Представь нас вместе».

### «Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55, 3.10 «Догадайся. Спаси. Юрий Визбор».
8.50 Сериал «Срочно в номер».
9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30 Вести-Московская область.
10.50 «Доктор Айболит». М/ф.
11.05 Сериал «Тайны следствия».
13.20, 16.25, 19.35 Вести-Москва.
13.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
14.40 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
18.00 «Родные люди». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Сериал «Украсть у...».
21.50 «Угадать судьбу. Евгений Петросян».
22.50 «Вести+».
23.10 Х/ф «Приговоренный».
1.00 «Дорожный патруль».
1.20 Х/ф «Анискин и Фантомас».
2.45 Сериал «Война в доме-2».

### «НТВ»

11.00 Сериал «Кодекс чести- 2».
12.00, 15.00, 18.00, 22.00 «Сегодня».
12.30 Сериал «Агония страха».
13.30 «Суд присяжных».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.35, 1.50 Сериал «Возвращение Мухтара».
18.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей-9».
20.40 «Золотая утка».
21.35 «Безумный день. Обзор».
22.25 Сериал «Проклятый рай - 2».
23.25 «Борьба за собственность».
23.55 Сериал «Зона».
2.40 «Преступление в стиле модерн».
3.10 Сериал «Без следа - 5».
4.00 Сериал «Аэропорт».

*(Давоми 4-бетда).*

